



3

**ЮРТНИ СЕВИШ  
УЧУН УНИ  
БИЛИШ КЕРАК**



6



7

**МЕНГА ДАДА  
КЕРАК(МАС)?!**

**ФОЙДАСИ ЭМАС,  
ЗАРАРИ КЎП**

дори-  
дармонлардан  
сақланинг!



8

**КЎПНИ КЎРИБ...  
ФИКР ҚИЛИНГ**

## ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ



**Турсунмат АБДУРАЙИМОВ,**  
106 ёш, Фарғона вилояти, Рапқон қишлоғи:

— Шунча ёшга кириб, бундай дориломон, тўкин, фаровон замонларни кўрмаган эдим. Оддий мисол, ўзим туғилиб ўсган Рапқонимизнинг яқин 30-40 йиллик ўтмишдаги қиёфаси ҳалиям кўз ўнгимда. Эҳ-ҳе, солиштирсам, еру осмонча фарқи бор. Бу ҳақда ёшлар ва набираларимга гапириб берсам, эртакка ўхшайди. Буларнинг ҳаммаси Мустақиллик шарофати туфайли-да. Илоё, юртимизда тинчлик, хотиржамлик, меҳр-оқибат ҳамиша барқарор бўлсин!

Жаннатмонанд юртимизнинг ҳар бир бурчагида истиқлол йилларида гуллаб-яшнаётган, ҳамма ҳавас қилса арзигулик шаҳар ва қишлоқлар кўп. Ана шундай гўшалардан бири, водийликлар таъбири билан айтганда, “Фарғонада биттагина” бўлмиш Рапқон қишлоғи ҳақида сўз кетса, каттаю-кичикнинг бир энтикиб қўйишида ажиб сир-сноат бор десак, ишонаверинг. — 2 —



## “ОБУНА — 2011”


“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳам-фикр, дардкаш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!

Шу йилнинг 1 сентябридан келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?

**ИНДЕКС:** Якка обуначиларга — 176,  
Ташкилотларга — 177

## Равшан ЭРМАТОВ:

— Мен ўзбек халқининг фарзанди эканлигимдан фахрланаман, фақат ва фақат шу муқаддас заминда ҳузур-ҳаловат топаман. Биласизми, бу гапларни мен расмиятчилик ёки куруқ мактаниш учун айтмаяпман, ёлгон ёки бўрттириш эмас, ҳар сафар юртимиз байроғи дунё майдонларида ҳилпираб, мадҳиямиз янграганида (ҳаяжон билан) билмадим, буни қандай изоҳласа бўлади, бутун вужудимга титроқ киради!



— 4 —

8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

# МИЛЛИЙ ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Оила — жамиятнинг асосий бўғини, муқаддас қўрғон, чин маънода фароғат қасри... Бу "кичик жамият"ни таърифлайверсак, тавсифларимизнинг адоғи кўринмайди. Зеро, инсон бахти фақат оиласи билан тўқис, у бу муборак даргоҳда дунёга келади, улгайди ва вақти-соати етиб, ўзи ҳам оила қуриб, фарзандлар тарбиялайди. Шундай экан, инсониятнинг давомийлиги ҳар жихатдан оилага боғлиқ.

Тарихдан маълумки, жамият таназзули аввало, оиладан бошланган, асосий бўғин заҳа егач, бунун бир маданиятлар Ер юзидан супирлиб кетган. Бу муаммо сўнги йилларда яна жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборида тургани бежиз эмас. Айниқса, ҳозирги кунда оила институти барча даврлардагидан ҳам кўра кўпроқ давлат ва жамият гамжўрлигига муҳтожлик сезаяпти. Муस्ताқил Ватанимизнинг Бош қомусида алоҳида боб ажратилгани, алоҳида кодекс қабул қилингани юртимизда оила жамиятининг асосий таянч нуқтаси сифатида расман эътироф этилганидан далолат беради. Конституциямизнинг 63-моддасида эса оила жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги таъкидлаб ўтилган.

Муस्ताқиллик йилларида бевосита Президентимиз раҳнамолигида юртимизда оилани мухтафамлаш, ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш асосий вазифалардан бири сифатида белги-лангани, шу мақсадга йўналиш-

рилган дастурий чора-тадбирлар изчил ҳолатда амалга ошириб келинаётган. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини ҳам аҳоли саломатлигини, айниқса, оналик ва болаликни муҳофазасида қилиш ташкил этади. Бу тамойилнинг ҳаётдаги аксини ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган қатор ислохотлар замирида ҳам кўриш мумкин.

Биз юқорида оилани бежиз фароғат қасрига менгзамадик. Таъбир жоиз бўлса, бу қасрнинг асосий устуни расмий никоҳдир. Оила вужудга келишининг бирдан-бир асоси ҳам шу. Мамлакатимизда тузилаётган ҳар бир никоҳ ихтиёрийликка, тарафларнинг никоҳ ёшига етганига, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлардан холилигига асосланади. У фақат ахлоқ меъёрлари билан эмас, балки махсус қонун ҳужжати билан тартибга солинади. Шу боис, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди. Бунда, энг аввало, инсон ҳуқуқларининг мухтафам химоюси назарда тутилган.

Шу ўринда яна бир бора таъкидлашимиз жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқчилигига асосланади”.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 63-модда)

махсус фармойиши асосида оила қуриши ихтиёрий эътибор қилинган расмий никоҳини қайд этишдан аввал жорий этилган тиббий кўрик ҳам бу жуфтликнинг келгусидаги ҳаётларида муқтафам пойдевор вазифасини ўтайдиган асосий шартлардан ҳисобланади. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, агар тиббий кўриқдан ўтиш тартиби бузилиб, никоҳ тузилса, у суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин. Мавжуд тартиб-қоидаларга тўла риоя этилиб қурилган оилагина тинч-тотув бўлади ва табиийки, келажак авлод баркамоллигига, уларнинг соғломлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади. Шундай экан, оила масаласини фақат икки ёшнинг ўртасида-

гина ҳал этиладиган иш эмас, балки бу жамиятимиз, қолаверса, кенг жамоатчилик ҳаётига ҳам алоқадор эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Ҳар биримиз ақл ва тафаккур билан чуқурроқ ўйлаб кўрайлик, бир оиланинг бузилиши канчанча муаммоларни ўз ортидан эргаштириб келади. Эр-хотиннинг никоҳи бекор қилингандан кейин улар ўртасидаги муқаббатлар ва вояга етмаган фарзандлар таъминоти масаласи ақсарият ҳолатда жамиятимизнинг оғриқли муаммоларига айлиб қолмоқда. Маълумотларга қараганда, адлия бошқармаларига келиб тушаётган ақсарият ариза ва шикоятларнинг мазмун-моҳиятини фуқароларнинг алимент олиш, уй-йод ҳуқуқлари бузилаётгани ҳақидаги мурожаатлари ташкил этаркан. Бундай муаммолар эса давлатга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтириши исбот талаб қилиб бўлмас ҳақиқатдир. Шу боис ҳам соғлом турмуш тарзи ҳукмрон, тинч-тотув ва барқарор оилалар жамиятнинг битмас-туганмас бойлиги саналади. Уларнинг сафи қанчалик кенгайса, юртимиз, миллиатимиз шунчалик ютади.

Оилавий ажримларнинг сабаблари ҳақида гап кетганда, ёшларимизнинг ҳали оила қуришга тайёр эмаслиги, яъни

қизларимизнинг уй бекаси, оналик вазифаларини тушунамслиги, соғлиғига эътиборсизлиги, йигитларимизнинг эса оилани бошқариш, рўзгорни моддий таъминлаш, фарзандларини маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашга қурби етмаслиги каби оғриқли нуқталаримизни очиб-ошқор қайд этишимиз даркор. Демак, аҳолининг турли қатламлари орасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида ҳам ана шундай жиддий масалалар ечимига кўпроқ эътибор қаратиш тақозо этилади. Шу ўринда мазкур муаммо кенг жамоатчиликнинг доимий диққат-эътиборида туриши лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтишимиз керак. Зотан, оила ҳаётининг абадийлиги, авлодларнинг соғломлиги ва давомийлигини таъминлайдиган, урф-одатларимизни асраб-авайлаб, ўзимиздан кейинги ворисларимизга қолдирадиган, шу билан бирга, келажак авлодлар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир. Ана шу муқаддас қўрғонни муқтафамлаш ва ҳар қандай шароитда ҳам химоя қилиш, сақлаб қолиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини англаб етмоғимиз лозим.

Додонон ИШАНОВА,  
Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани 1-нотариал идораси катта нотариуси.

## РАПҚОНГА БИР КЕЛСАНГИЗ...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шаҳармонанд қиёфага эга десак ярашадиган бу манзилдаги миллий чойхона гузарлар, шифобахш зилол сувлари билан республикамизда машҳур бўлган «Ўзбекистон», «Рапқон», «Она ва бола» дам олиш ва даволаниш сихатгоҳлари, турли маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари, коллеж ва лицей, мактаблар... Буларнинг бари бир қишлоқни мамлакатимиз миқёсида донг таратишига асос бўлган десак муболага қилмаймиз.

Одамлари-чи, дейсизми беихтиёр. Эҳ-е, уларга таъриф тополмаймиз — мард, танти, кулгусевар ва ҳар қадамда ўзларининг бугдой сўзлари билан сизга яхшилик соғиниб яшайди. Таниқли адабиётшунос олимлар Умарали Норматов, Ермат Тожиёв, “Дунёнинг 100 та буюк карикуратурачи-рассомлари” рўйхатига киритилган Маҳмуджон Эшонқулов, таниқли мусаввир Йигитали Турсунназаров сингари кўплаб номдор инсонлар билан ҳамқишлоқлари ҳақи



Рапқонлик фаоллардан бири Абдураҳим Эҳсонов набиралари билан янги иншоотларни томоша қилмоқда.

равишда фахрлансалар арзийди.

Энг қувончлиси, уларнинг турли соҳаларда эришяётган ютуқлари ҳам чакимас. Айниқса, рапқонликларнинг спорт соҳасида омадлари чопган. Шу қишлоқнинг обрўли инсонларидан бири, етмишга кирган бўлса-да, ҳамон боксни жону дилидан севадиган Аҳмадали ака Мажи-

довнинг айтишича, Рапқонда ўзига хос спорт мактаби шакланган. Масалан, Азиз Раҳмонов бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлган, Зоҳид Султонов эса Осиё чемпионлигини қўлга киритган. Тошкентдаги олимпия захиралари коллежида ўқийётган Равшан Абдуназаров яқинда Боку шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги мусобақада кумуш медални қўлга киритиб ўз ҳамқишлоқларини хушнуд этибди.

“Чемпионлар қишлоғи” деб ном олган Рапқонда саҳаватпеша инсонлар ҳам кўп. Ана шундай ташаббускорлардан бири, спорт фидойиси, сенатор Рустамжон Мажидовнинг яхшири саъй-ҳаракатлари туфайли яқунланаётган “Баркамол авлод” йилида Рапқон бокс мактаби қуриб ишга туширилди.

Яна бир фахрланса арзийдиган жиҳати, қишлоқда 80-100 ёшдан ошган пиру бадавлат отахон ва онахонлар сони йил сайин ошиб бораётгани кузатилаётган экан.

— Шу ёшга кириб, бундай дорилоним кунларни кўрмагандим, — дейди 106 ёшли отахон Турсунмат Абдурайимов(суратда). — Қишлоғимизнинг ўтмишидаги қиёфаси шундоқ кўз ўнгимда. Бугунги жамоли олдида ёшларга тасвирлаб бериш гоёя қийин. Булар барчаси нима туфайли, албатта, муқтақиллик шарофатидан-да! Тинчлик, хотиржамлик, меҳр-оқибатга нима етсин.

Дарвоқе, биз бугун мухтасаргина сўз юритаётган Рапқон ва рапқонликлар ҳақида ҳар қанча илҳ ва самимий дил изҳорларини айтсак ярашади. Негаки, муқтақиллик йилларида обод ва бетакрор қиёфага эга бўлган бундай юзлаб шаҳар ва қишлоқ, овулар сони юртимизда йил сайин ошмоқда. Ниятимиз, муборак она Ватанимизда ана шундай фараҳбахш манзиллар янада кўпаяверсин.

Тургунбек МАҲКАМЗОДА,  
Фарғона вилояти, Бешариқ тумани.

Суратларни муаллиф олган



34-умумтаълим мактаби ўқитувчилари ўзаро мулоқотда.

## ЎНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

### МАКТАБЛАРДА МАШҒУЛОТЛАР

Халқимизда “Олов дўст — олов душман” деган ибора бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, инсонларга қувонч, иссиқлик бахш этувчи оловдан тўғри фойдаланилса, хизмати беминнат бўлади, аксинча, унга нисбатан озгина бепарволик қилинса, ёки нотўғри фойдаланилса борми, худо кўрсатмасин, бир дунё ғам-ташвиш, қурфат олиб келади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойиши асосида “Ўнгин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилмоқда.

Шу ўринда биз жиддий бир масала яъни ёш болаларнинг ўт-олов билан муносабати ортидан келиб чиқиши мумкин бўлган айрим салбий ҳолатлар хусусида тўхталмоқчимиз. Негаки, болалар кўпроқ катталарга тақлид қилмоққа уринишади. Маълумки, ёнгин билан боғлиқ барча кўнгилсиз воқеаларга кўпинча бизнинг ўзимиз сабабчи бўлаемиз. Яъни, ақсарият ҳолларда фарзандларимизни ёнгинларга сабаб бўлувчи омилардан огоҳлантиришга ҳарфсала қилмаймиз. Оқибатда арзи-маган ҳолатда, оддийгина эътиборсизлигимиз ортидан қутилмаган нохушлиқлар келиб чиқмоқда. Болаларни нафақат хонадонларда, балки мактаб ва мактабгача тарбия масканларида ҳам жиддий назорат қилишимиз керак. Масалан, жорий йил таҳлилларига кўра, содир бўлган ёнгинларнинг 14,4 фоизидан ёш болаларнинг иштирок этиганини қандай изоҳлаш мумкин? Эътибор берганмиш, вояга етмаганлар озгина беэътибор қолдирилса борми, дарров гугурт ўйнашади, иситиш мосламаларини бураб кўради, ёниб турган печларнинг оғзини очиб, оловни қизиқиб томоша қилгиси келади ва... Бундай “қизиқли”ларнинг барчаси хунук оқибатларга олиб келади.

Шу боис ҳам ёнгин назорати ходимлари мактаб, болалар боғчаларида бўлиб ўқувчилар, тарбияланувчилар билан ёнгин офати тўғрисида суҳбатлар ўтказишяпти. Айниқса, илм масканларида уюштирилаётган амалий тадбирлар яхши самара берапти. Юқори синф ўқувчиларидан иборат ёш ўқувчилар тўғрараклиги тузилган. Уларда ходимларимиз иштирокида ёнгин содир бўлганда нималарга эътибор бериш, биринчи галда амалга оширилиши шарт бўлган вазифалар хусусида кўргазмалы машғулотлар олиб боришмоқда.

Сергей ЮРОВ,  
Тошкент шаҳар Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси марказий диспетчерлик хизмати бошлиғи, подполковник

Абдулла Кодирий айтганидек, туғилганимизда доялар танглайимизни «Топганинг тўйга буюрсин», деб кўтарган. Кексаларимиз энг яхши кўрган дуо ҳам шу. Урта ёшдагиларнинг эса асосий орзу-мақсадларидан бири элга дастурхон ёзиб, юртга катта тўй беришдан иборат. Табиийки, ёшларни-да ўз қарашларимиз асосида тарбиялаёмиз. Тили энди чиққан болакайдан «Ким бўласан?» деб сўрасангиз, «Кувё бўлман», дейди. Қизалоқ эса келинликни ҳавас қилади. Халқимизнинг бутун турмуш тарзи, яшашдан бош мақсади тўйга қаратилгандек туюлади баъзан. Гўёки бундан бошқача яшаш мумкин эмасдек...

**Юз минг аҳолининг гуручи...**

Глобаллашув даври, оммавий маданият минг-минг йиллик қадрият ва урф-одатларимизга ҳам ўз таъсирини ўтказаятганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Афсуски, ғариб деб санганимиз Ғарб маданиятидан тўйлар борасида намуна олганимиз йўқ, аксинча, фақат ўзимизга зарарли тарафларинигина ўзлаштириб бораёямиз. Фикрчан одамларимиз дабдабали тўйларга қатнашиб қолса, жон куйдириб: «Мабодо ўша америкаликлар ҳам бизга ўхшаб тўйларига 400–500 кишини чақирганида борми, кўпга бормай қашшоқлашиб, кунини кўролмайд қоларди», дейди бироз муболага билан. Ҳа, агар халқимиз европаликлардай ихчам тўй қилишга ўрганиб, орттирган маблагини фойдали ишга ақл билан йўналтиришда, аминимизки, турмуш тарзимиз ривожланган мамлакатлар аҳолисиникидан кам бўлмасди. Гапимиз шунчаки фарз бўлиб қолмаслиги учун аниқ ҳисоб-китобларни олдингизга ташламоқчимиз. Эртақларимизда айтилганидек, ўзбекнинг тўйи қирқ кечаю қирқ кундуз, ҳаммаси ҳақида бир мақолада сўз юритиш қийин, шу боис биргина нахорги ош харажатлари тўғрисида тўхталамиз.

Маълум бўлишича, ҳар бир тўй-маъракада 50 килодан 200 килогача ош дамланади. Тўғрида, қариндош уруғлари кўп, яна юзлаб ошна-оғайнилари бўлган хонадон қандай қилиб дастурхонга 5–10 кило ош тортиши мумкин? Меҳмонларни тўйга чақиринишда териб, яъни таллаб айтиш эса ўзбекларга хос одат эмас. Бир томондан олганда яхши, узоқ вақт учрашмаган қариндош-уруғлар, ошна-оғайнилари дайидор кўришади, фикр алмашади. Аммо бу тўй эгасига анча қимматга тушиши мумкин. Ҳисоб-китобларимизга қараганда, агар 250–300 киши таклиф қилинса, нахорги ош харажатлари 1 500 000 – 1 700 000 сўмини ташкил қиларкан. Афсуски, бунча одам ошга айтилган тўй ҳам бугунги кунда анчайин ихчам ўтган ҳисобланади. Кўпинча нахорги ошга 400–500 киши чақирилади, у ҳолда биргина тўйхонага жой ҳақи учун 1 000 000 – 1 500 000 миллион сўм тўлаш керак бўлади. Бунча маблагни бир оила ўзидан орттириб, болалари ризқини қийиб йиллаб жамғариши лозим. Устига устак, қиз узатилаётган бўлса, келин келинларига ва уй жўзларига ҳам шундан кўп кетса-кетадими, асло кам сарфланмайди. Ҳўш, нима бўпти, халқимизнинг катта қисмида бунча миқдордаги пул топилади, дерсиз? Ана энди масалага яқна ҳолатда эмас, бутун Тошкент шаҳри миқёсида қарайлик. Битта маҳаллада бир йилда ўртача 100 та тўй-маърака ўтказилган бўлса, бу 100 х 50 кг = 5 000 кг ёки 5 тонна гуруч сарфланади дегани. Пойтахтимиздаги маҳаллалар сонини тахминан 600 та деб оламиз, у ҳолда 600 х 100 х 50 кг = 3 000

**Нималарга ишлатиш мумкин эди?**

Ҳа, шунча маблаг газеталар оддий рақамлар йиғиндиси бўлиб кўринаверади. Аммо 25,458 миллилар сўмга тахминан 12–13 та мактаб ёки лицей қуриш мумкин. Бу маблаг янги иш ўринлари очиб учун йўналтирилса, қанчадан-қанча ишсиз юртдошларимиз доимий даромад манбаига эга бўлар эди. Ёки олайлик, олий ўқув юртрларида шартнома асосида таҳсил олаётган 10 мингдан ортиқ талабанинг йиллик тўловини тўлаб беришга ишлатилса, нур устига нур эмасми? Ахир, келажакни ошқўрлик билан қуриб бўлмайди-ку!

Эҳтимол, шунча сумма бир жойдан олинаётгани йўқ, ҳамма

000 кг. Демак, Тошкентда йилга 3 000 тонна гуруч нахорги ош учун харид қилинади. Лекин бугун 100–200 кг гуруч дамланадиган тўй-маъракаларни ҳам кам деб бўлмади. Минимал миқдорларни тарозига қўйсақда, йил мобайнида пойтахтимизда ўтказилаётган нахорги ошларда: 20 000 оила ёки 100 000

ди халқимиз. Катта издиҳомга дастурхон ёзишнинг ўзи бўлмайди. Шунга яхши аниглаб, кўрпага қараб оёқ узатишимиз керак. Биз юқорида масаланинг бир томонини, зоҳирий айрим қирраларини ёритишга ҳаракат қилдик. Маънавий томонини оладиган бўлсак, халқимизнинг йўқотишлари бундан-да каттарок бўлиши шубҳасиз. Масалан, тўй қилишдаги дабдабаозлик, кимўзар пойғаси жамиятда қонунбузарлик ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлмайди, дейсизми? Айрим оилалар пул жамғариш имконияти чегаралангани боис эгри йўллар билан бойлик орттиришга мажбур бўлади. Оқибатда, таъмагирлик,

**ТўЙЛАРИМИЗ – ЎЙЛАРИМИЗ**

фоизи «Инсон бахти пул билан ўлчанмайди», 26 фоизи «Фарзанд учун ҳар қанча сарф-харажат қилса арзийди», 3 фоизи эса «Тўйларимизнинг бугунги ҳолати яхши», деб жавоб берган.

Албатта, энди дўппини бошдан олиб, фикр-мулоҳаза юритайлик: ўтган ўн йил давомида аҳолиимизнинг онги, тафаккури кескин ўзгарганига ҳеч қандай шубҳамиз йўқ, аммо дабдабали тўйларни ёқлайдиганлар сафи кенгайганига ишониб қийин. Эътибор бераёйсизми, халқнинг қарийб учдан икки қисми аслида бошқа фикрда бўлса-да, «Фарзанд учун ҳар қанча сарф-харажат қилса арзийди», деган 26 фоиз одамлар ордидан эргашиб кетаётганини наҳот билмасиз? Оққоранинг фарқини яхши биладиган кўпгина юртдошларимизнинг тутуми шундай, урф-одатларга қарши бориб бўлмаслиги билан ўзларига таскин берадиганлар ҳам орамизда кам эмас. Аммо бир фикрлаб кўрайлик, кимлардир томонидан ўйлаб топилган «анъана»лар қулига айланиб қолмаёямизми? Ахир, расм-русумлар инсонга хизмат қилмас экан, уларнинг кимга кераги бор, яшашни пуч хою ҳаваслардан иборат деб биладиган бир ховуч одамларгами?

Пойтахтимиздаги Зафаробод маҳалласида ўтказган сўровномамиз натижалари ҳам халқимиз биз билан ҳамфикр эканини ғарсатди. Иштирокчиларнинг (барчаси 33 ёшдан ошган, 60 фоизи эр-кавлар) 75 фоизи ўғил уйлантириш ва маъракада нахорги ош қилинмасин, деган фикр билдирган. 74 фоиз қатнашчи эса қиз узатишда, 50 фоиз иштирокчи ақиқадга элга ош бериш тарафдори экан. Лекин сўровномани тўлдирганларнинг 91,6 фоизи чаллари маросимини йўқотиш лозим деган қарорига келган.

**Кўринадими, халқимиз масала моҳиятига етиб бормоқда.**


Шунга қарамай, одамларнинг гапидан кўриб, урф-одатлардан воз кечолмай, ўзи ўйлаган нарсага умуман тескари ишларни қилишга мажбур бўлмоқдамиз.

**Сўнгги сўз ўрнида:** Мақолада келтирилган фактлар ва мулоҳазалар айрим олинган фуқароларга тегишли бўлган боис масалани тўлиқроқ очиб (таҳлил қилиш), унга нисбатан халқимизнинг қатъий фикрини билиш мақсадга мувофиқдир. Барчамизни уйлантириб юрган мазкур муаммоларни одилона ҳал этиш учун республика миқёсида социологик тадқиқотлар ўтказиб, халқимизнинг ҳақиқий фикр-мулоҳазаларини билиш лозим. Тадқиқот натижалари ўз-ўзидан масалага аниқлик киритади ва қабул қилинган қароримиз ҳам тўғри бўлади.

Сўзимиз ниҳонисидан яна тақрорлашни лозим топдикки, агар тўй-маъракалардаги дабдабаозликка, ўнлаб ўйлаб топилган ортиқча урф-одатларимизга ўз вақтида чек қўймас эканмиз, бу муаммоларга ечим топиш муддати чўзилиб кетаверади. Бу борада мутахассислар, зиёли ва кўпни кўрган фаоллар қандай фикр-мулоҳаза юритишади? Марҳамат, баҳс-мунозаарада фаол иштирок этинг.

**Абдухалил ШОКИРОВ, Абдулазиз АБДУРАҲИМОВ, иқтисод фанлари номзодлари, Фаррух ЖАББОРОВ, «Оила ва жамият муҳбири».**

**КўПНИ КўРИБ... ФИКР ҚИЛИНГ**



аҳолининг гуручи,  
1 500 оила ёки 7 500 аҳолининг пиёзи,  
9 000 оила ёки 45 000 аҳолининг ёғи,  
20 000 оила ёки 100 000 аҳоли сабзиси,  
36 000 оила ёки 180 000 аҳолига тегишли гўшт,  
120 000 оила ёки 60 000 аҳолининг мева-чеваси йиллик фонди еб қўйилапти. Энди ўйлаб кўринг, шунча маҳсулот бозор пештахталарида турганда аҳоли қулик эҳтиёжига қараб, оз-оздан сотиб олиб ишлатар эди. Бозордаги нарх-наво ҳам ҳозиргига нисбатан паст бўлармиди?

**90 миллиардлик харажат**

Санаб ўтган маҳсулотларимизни чўтга ташласак, Тошкент шаҳри миқёсида тўй-маъракаларда ош бериш учун бир йилда 25,458 миллиард сўм сарфлангани маълум бўлади. Лекин бу сумманинг ичида нон, чой, нўхот, қазми, майиз, зирворлар, жой ҳақи, ошпаз, микрофончи, қўшиқчилар ҳақи ҳисобга олинмаган. Агар боя ҳисоблаб чиқганимиздек битта маросим учун ўртача 1 500 000 сўм сарфланган бўлса, у ҳолда пойтахтимиздаги бир йиллик нахорги ошларга 90 миллиард сўм харажат қилинади, деган хулосага келишимиз мумкин. Биргина шаҳар мисолидаги ҳисоб-китобларимизда одамни шунчалик уйлантирадиган кўрсаткичлар чиқдики, энди ўзингиз масалани мамлакат миқёсида олиб тасаввур қилаверинг.

ўз чўнтагидан сарфлапти-ку, деган ҳаёлга бораётгандирсиз. Унда мана бу мулоҳазаларимизга қулоқ тутинг. Айри-айри олданда ҳам, тўй қилиб сочилиши шарт бўлган «ортиқча маблаг»дан оқилона фойдаланса бўлади. Масалан, элга катта тўй берман деб йиғинли юрган, аммо ўзи ва оила аъзоларининг соғлигига бефарқ қараб келаятган одамлар йўқ дейсизми орамизда? Нахорги ошга кетадиган пулни саломатлигимизни тиклаш ёки касаликнинг олдини олиш мақсадида, кекса одамларни илмли, ҳунарли қилишга сарфласак, асакамиз кетадими?

Ахир, эртага ўғил-қизларимизни дабдабали ўтказилган тўйлар эмас (у ҳар қанча овоза бўлмасин, барибир икки-уч йилга бормай унутилади), ёшлиқда олган билими, эгаллаган ҳунари боқадими-ку! Нега тушунгимиз келмайди? Қолаверса, ҳадиси шарифларда эҳсон қилинганда мухтожларни чақириб лозимлиги алоҳида таъкидланган. Тўйларимизга юзлаб одамларни таклиф этганимиздан кўра, уни ихчамроқ ўтказиб, орттирилган пул ҳисобидан кам таъминланган оилаларга ёрдам қилиб савоб олганимиз афзал эмасми? Бу каби ғайрихаётий урфларимизни тош-тарозига солиш вақти келди, назаримизда.

**Чумолининг йил йиққани...**

...туянинг бир ютгани, дей-

ўғрилиқ, бировнинг ҳақидан кўрмаслик каби иллатлар томбир отиши ҳеч гап эмас. Бу эса мамлакатимиз ривожини, халқимизнинг фаровонлигини, яшаш даражасига маълум маънода таъсир кўрсатмайдими?

Тўй-ҳашамларимиз кўйдичикдилар, касалманд, ногирон гўдақлар туғилиши, тўлиқсиз оилалар, ё отасиз, ё онасиз улғаяётган болаларнинг кўпайишига ҳам замин тайёрламаяптими-кан? Истаимизми-йўқми, кундалиқ ҳаётимизда мана шундай воқеаларга дуч келаямиз...

Хуллас, йиллаб тўплаган пулимизни бир кунда соғуриб юбориш натижасида, биринчидан, оила бюджетига зарар келтиряпти, иккинчидан, бундай зўрма-зўраки, ортиқча сарф-харажатлар фарзандларимизнинг маънавий дунёсига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳам сир эмас, учинчидан, орттирган оилавий даромадимизни иқтисодиётимиз ривожини учун эмас, пуч хою ҳаваслар йўлида сарф қилиб юбораётганимизни аниқлаш, тушуниб етишимиз мушкул кечаяпти... Чунроқ ўйлаб кўрайлик-чи: биз учун беозор туюладиган, ҳатто кўпчилигимиз ёқлайдиган айрим урф-одатларимиз тўғрилиқ, билмадик, яна қанчалар бебаҳо нарсаларни бой бераётганимизни наҳот билмасак?

**Бир ховуч одамлар ордидан**

Йўлдан чиқса ҳам, элдан чиқмаслик одати, афсуски, инсоннинг тийнатида бор. Аммо бу доим ҳам яхшиликка бўлавермайди. Баъзида элдаги ҳар бир киши ўзлари тўғри йўлдан оғиб кетаётганини билиб туриши, аммо истихоло қилиб, кўп нима бўлса, биз ҳам шу, қабилида иштатиши мумкин. Биз сўз юритаётган долзарб масала юзасидан ҳам айнан шундай жараён кечмоқда, назаримизда. 1999–2002 йиллари Тошкент давлат маданият институти ва Бухоро давлат университети ўтказган сўровнома натижалари бундай хулоса чиқаришимизга асос беради. «Кувё томонидан тўйга қилинадиган жами харажатлар ўртача 2 миллион сўмга яқин. Сиз бунга қандай қарайсиз?» деган саволга тадқиқотга жалб қилинган бухороликларнинг 34 фоизи «Бу ортиқча дабдабаозликдан бошқа нарса эмас», 28



## САХОВАТ ТАДБИРИ

3 декабрь — Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш куни

Тошкент вилоятининг Бекобод туман ногиронлар жамияти 542 нафар ногиронларни бирлаштирган. Улардан 250 нафарини катта ёшлар, қолган қисmini эса воёга етмаганлар ташкил этади. Яқинда мазкур жамиятнинг ташкил тоғанига 13 йил тўлиши ҳамда 3 декабрь — Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Бекободда махсус тадбир ўтказилди. Бу хайрия кеча-

сида жамият аъзоларидан бир гуруҳига шаҳар ва туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси томонидан эсдалик совғалари улашилди. Тадбирга республика миқдорида бир неча йилдан буён фаолият олиб бораётган ногиронларни ҳаётга тиклаш маркази «NEW HOPE» ташкилотининг раҳбари, жаноб Роналд Хомг ташриф буюриб, туман тиббиёт бирлашмасига етти миллион сўмлик замонавий



асбоб-ускуналар ҳамда дори-дармонлар топширди. У йилгиланлар ҳузурда сўз олиб, беш йилдан буён ҳамкорлик қилиб келатган мазкур ташкилот хайрия мақсадлари йўлида бекободлик ногиронларга олти миллион сўмлик қимматбахо совғалар ҳамда ногиронлик арава-чалари, юриш мосламалари ажартилганини ҳам маълум қилди.

Турдикул НОРМАТОВ,  
«Оила ва жамият» муҳбири.

## ЧОРАЛАР

## КЎРИЛМОҚДА

СОЛИҚ ФАОЛИЯТИ

Тасаввур қилинг, уйингизда бир кунгина чироқ ўчиб қолса, қанчалаб юмушларингиз қолиб кетиб, гўё дунёдан узулиб қолгандек сезасиз ўзингизни. Ва кейин аниқланишича, айримларимиз ана шу кўринмас «бойлик» билан боғлиқ сарф-харажатлар ҳамда тўловларни унутиб қўйишимиз оқибатида юқоридаги каби муаммолар пайдо бўлади. Айтиш мумкинки, истеъмолчи сифатида зиммаимиздаги мажбуриятларни бажармаслигимиз ўзимизга қимматга тушади.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 1 ноябрда қабул қилинган «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда алоҳида таъкидланганидек, етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб этиш механизмини янада такомиллаштириш, тўловларнинг тўлиқ ва ўз муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича барча тегишли идоралар зиммасига қатор вазифалар юклатилган эди. Албатта, ана шу ўтган муддат ичида ушбу қарор мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, бу муҳим ҳужжатга қатор ўзгаришлар киритилиб, республика Давлат солиқ кўмитасининг жойлардаги идоралари ҳам тўлов муддати ўтиб кетган қарзларни йиғиш ва юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўланадиган маблағларнинг тушишини назорат қилиш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширилмоқда. Жумладан, пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ушбу ҳудудда фаолият юритаётган 1825 та электр энергияси истеъмолчиси сифатида рўйхатга олинган корхоналар, шунингдек, асосий истеъмолчилар саноат ва сўбатонентлар ишини назорат этиш билан боғлиқ ишлар изчил ташкил қилинган. Энг асосийси, ушбу соҳага масъул таъминчиларнинг гуруҳи туман электр тармоқлари корхонаси билан ҳамкорликда юқорида қайд этилган муҳим қарор ижросини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда назорат рейдлари, мониторинглар ўтказиб келмоқда. Натijaда электр энергиясидан ноқондий фойдаланганларга тегишли тартибда чоралар кўриляпти.

Сирожиiddин ЖАМОЛОВ,  
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ДСИ шўъба бошлиғи.

## ТАЛАБ ВА ЭХТИЁЖ АСОСИДА

Бугунги кунда истиқлол шарафати туфайли мамлакатимизда турли соҳаларга ихтисослашган саноат корхоналари фаолияти кенг йўлга қўйилган. Уларнинг аксарияти истиқболли режалар асосида аҳоли эҳтиёжига мос равишда ўз маҳсулотларини тақдим этаётир. Шу ўринда эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 17 июндаги «2009-2012 йилларда чарм-пойабзал саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳамда тайёр чарм товарлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу соҳа вакиллари учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Маълумки, тайёр чарм-пойабзал товарларига йилнинг ҳар бир фаслида ҳам талаб катта бўлади ва энг асосийси, истеъмолчилар кўпроқ сифатли ва чидамли маҳсулотларни харид қилишни хоҳлайди. Ана шундай пайтда талаб ва тақдирларни обдон ўрганиб, зарур товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлар ютади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда республика миқдорида кўн-чарм хомашёсини қайта ишлаш, тармоқ корхоналарини замонавий ускуналар билан таъминлаш, энг муҳими, бугунги рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият бераётган корхоналарнинг иқтисодий ўсиш суръатлари йил сайин ортаётгани кузатишмоқда. Бу эса давлат гезанасини бойитиш йўлида қилинаётган самарали ислохотлар ҳисобланади.

Бу жараёнда бизнинг жамоамиз ҳам ўзларига белгилаб берилган долзарб вазифаларни масъулият билан адо этиш билан бирга ҳукуматимиз томонидан чиқарилган ушбу қарорнинг мақсади, мазмун-моҳиятини фуқароларимиз орасида кенг тарғиб-ташвиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар асосида фаолият юритишмоқда.

Зафар САГАТОВ,  
Собир Раҳимов тумани ДСИ бўлим бошлиғи муовини.

## «ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

куйдаги ўқув курсларга таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой. Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой. Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).  
Аёллар костюм-шмми, плаш-пальто — 1-2 ой. Ҳамшира — 6 ой. 4 ой ўқиш. Тўқувчилик — 2 ой.  
Ҳамшира (тезкор) — 3 ой. Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.  
Тиббий массаж — 2 ой. Нуктали — 1 ой. Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой. Пишириқлар олий курси — 1 ой. Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой.  
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой. Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Педикюр, маникюр — 1 ой. Сунтий гул ясаш — 1-2 ой.  
Сартарошлик — 3 ой. Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой. Арабча ва миллий рақс — 3 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой. Барчаси амалиёт билан.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.

Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, (8 371) 221-77-72 (кундузи),

(8 371) 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

## УСТОЗ, ДЕСАК АРЗИЙДИ СИЗНИ

Бундай шарафли номга муносиб бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Чунки устозликнинг ҳам ўзига яраша масъулият ва машаққатлари бор-да. Лекин Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлари ижодий уюшмалари аъзоси, танлики ижодкор, Ўзбекистон давлат санъат институти доценти Тўлқин Қозоқбоевни ҳеч иккиланмасдан ушбу мақомага эга инсон десак ярашади. Боиси, у киши ҳақиқий ҳаёт мактабини ўтаган ижодкорлардан бири сифатида республика миқдорида доғруғ қозongan.

Гарчи у болалигиданоқ бошига етимлик кулфати тушиб, турмуш заҳматю ташвишларини, очлик, қаҳатчилик, етишмовчиликларни кўриб, қийинчиликлар уммонида яшашига тўғри келган бўлса-да, онаизори Лазоқат холининг юрагига юланч, танига мадор бўлди. Урушга кетиб, ҳалок бўлган умр йўлдоши Мухиддин акани умид билан олти йилдан охиқ кутган онаизор яккаю ёлғиз фарзандини асраб-авайлаб тарбиялади, кўлидан келгунича отасиз ўсаётганини сездирмай, воёга етказди. Бир дунё ёруғ орзулар сари интилаётган Тўлқинжоннинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлади, умидларига қанот бахш этди.

Йиллар дарёдек оқиб ўтди. Ўзининг меҳнат фаолиятини 1958 йилда заводда оддий ишчиликдан бошлаган йигит кейинчалик Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) ва Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Аграр университети)ларида ўқиди. Кейинчалик ҳам ўз устида тинмай изланди, илму маърифатга ошно бўлди. Адабиёт, журналистика, санъат соҳаларига ўзгача меҳр-муҳаббат қўйди. Ва шунча йиллик узоқ ўқиш ва иланишлар бесамер кетмади — дастлаб «Гулхан» журналида, кейинчалик эса бир неча газеталарда фаолият кўрсатди. Устоз нафақат журналистикада, балки драматургияда ҳам баракали ижод қилди. Унинг биринчи асари 1988 йил Абдулла Қаҳҳор номидаги республика Сатира театрида сахналаштирилиб, томошабинларга манзур бўлди. Чунки бу драмада гийҳандликка қарши кураш ва бу балога йўлиққанларнинг жоғеаси тўлақонли очиб берилган эди.

Бугун ўз чўққисининг етмишинчи довонидан ўтаётган Тўлқин Мухиддинов уч фарзанд, тўққиз набира қуршовида умргузаронлик қилаётган бўлса-да, ҳамон ижодий иланишдан тўхтаган йўқ. Кўнглимизда бир дунё эзгу ниятлар ила «Устоз, барча зиёлиларга ҳам сиз эришган бахтлар насиб этсин, ҳеч қачон яшаш ва ижоддан толманг» деймиш.

Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА

«DOCTOR-D» шарҳи ИРСИЙ САРАТОН:  
ТАШХИСЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА

Маълумки, саратон касаллиги кўп ҳолларда битта оила аъзоларида кузатилади. Ҳозирги пайтда кўкрак саратони, тухумдонлар, йўғон ва тўғри ичак саратони, қалқонсимон без, ўпка саратонининг ва ҳ.к. юзга келиши учун жавобгар бўлган генлар борлиги аниқланган. Саратон касаллигига генетик ихтилатдан мойиллик барча онкологик касалликларнинг эҳтимолий сабабчиси ҳамда илм-фан қайси генининг мутацияси аниқ, қайси саратон учун жавоб бериши кераклигини аниқлаши учун озгина вақт керак, холос, деган нуктаи назар мавжуд.

Ирсий саратон хавфли ўсмалар умумий микдорининг тахминан 10-15%ни ташкил этади. Агар аёлда кўкрак саратонига мойиллик учун жавоб берадиган мутация мавжуд бўлса, унинг ушбу касалликка дучор бўлиш эҳтимоли 50-55%ни ташкил этади. Ёмон ирсият ҳақида билиш кишининг тақдирида бирон нимани ўзгартира оладими? Аёлда кўкрак саратони касаллигига мойиллик мавжудлигини билиш айрим ҳолларда касалликдан халос бўлиш, бошқа ҳолларда эса у билан анча муваффақиятли курашиш имконини беради. Генетик тест синови онкогенларни аниқлаб бера олади. Ҳозирда бундай синовлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида муваффақиятли ўтказилмоқда.

Бепуштликини даволаш жараёнида катта микдорда гормонал препаратларни қабул қилишга мажбур бўлган аёллар шифокорларга ушбу препаратларнинг соғлиқка қанчалик зарари бор экани тўғрисида тез-тез савол билан мурожаат қиладилар. Бу саволга саратон мутациялари ёки онкогенларнинг мавжудлигига тест синовини ўтиш натижасида ҳолис жавоб олиш мумкин. Агар аёл организмда онкогенлар топилган бўлса, бу ҳолда у гормонларни катта микдорда қабул қилмаслиги ҳамда рағбатлантирувчи препаратларсиз даволаниш вариантлари тўғрисида ўйлаб кўриши лозим. Бундан ташқари, саратон мутациялари аниқланганида аёл уларнинг ўз бола-ларига мерос бўлиб ўтиш эҳтимоли тўғрисида, демакки уларни саратон ирсиятидан халос этиш эҳтимоли тўғрисида ҳам бош қотириши керак. Бугунги кунда преимплантацион ташхислаш усулини қўллаш туфайли бундай имкониятни амалга ошириш мумкин. Оиласида кўкрак саратони, тухумдонлар саратони ва бошқа касалликлари мавжуд бўлган аёллар учун онкогенларни аниқлашга тест синовларини ўтиш ғоят долзарб масаладир.

Махсус таҳлилларни топширмай туриб, ўзлариде кўкрак саратони генлари йўқ деб ишонч билан айта оладиган аёл борми? Афсуски, йўқ. Тўғридан-тўғри яқин қариндошлар у ёқда турсин, ота-оналари нима билан оғриган ва нимадан вафот этганларини ҳамма ҳам билавермайди. Кўп ҳолларда касалликлар, бахтсиз ҳодисалар, урушлар, табиий офатлар кишилар ҳаётини уларда онкологик касалликлар намоеён бўлмай туриб олиб кетади. Бироқ улар касал генларини меросхўрларига қолдирган бўлишлари мумкин. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса — ҳар бир аёл ҳаётида ақалли бир марта организмда онкогенларнинг мавжудлигига тест синови топшириши лозим.

Бу борада бизнинг «DOCTOR-D» ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муоалажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57).

E-mail: hospital@doctord.uz.

URL: http://www.doctord.uz

Лицензия № ПЮ-2876.

# ЮРТНИ СЕВИШ УЧУН УНИ КЎРИШ ВА БИЛИШ КЕРАК

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston" телерадиоканали орқали бир неча йилдан бери намойиш этилаётган "Икки дарё оралигида" кўрсатуви аллақачон телетомошабинлар эътиборини қозонган десак муболаға бўлмайди. Унинг ҳар бир сонини тайёрлаш жараёнлари, шунингдек, мажмун-моҳияти, географик қамровига қараб, ҳеч иккиланмасдан ҳужжатли фильмга тенглаштириш мумкин. Кўрсатув муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Нормурод Норқобилов билан уюштирган суҳбатимиз мавзуси "Икки дарё оралиги"дан бошланди.

— Бир пайтлар мен Амударё ва Сирдарё бўйлаб солда сузиб, улар соҳилидаги табиат, қишлоқларни тасвирга олиб, бу ҳақда республикамиз аҳолисига ҳикоя қилишни орзулаб юрардим. Бундан беш йил муқаддам эса дастлабки кўрсатуви Сурхондарё вилоятидан тайёрладик. Бунинг сабаби шуки, мен ҳар доим жанубга самолётда учиб борарканман, Сурхон тоғлари устидан бир кўлни кўрадим. Ва ниҳоят, ана шу Хом кон, яъни "пишмаган кон" деб аталган кўлга биринчи экспедициямизни уюштирганмиз. Тоғлар тепасида жойлашган бу кўл жуда чиroyли, ҳавоси шифобахш, табиати бетакор эди. Биринчи марта сафаримиз жуда қийин кечган, чунки у маҳаллари тажрибамиз йўқ, ҳали тоғларда, дара-даштарда юриб тобланмаганмиз, транспорт билан боришни имконияти йўқ, озик-овқатнинг етарлича олмаган эканмиз... Аммо илк машаққатларимизнинг ширин меваси сифатида тайёрлаган кўрсатувимиз ўз муҳлисларини жуда тез топди.

— Тоғлардан кейин горларга уюштирилган саёҳатларингиз қандай кечди?

— Ҳа, ёшгимиданқол горларни ўрганишга қизиқардим. Биласиз, бундай ерларга ҳаммаю киравермайди, чунки бу ишга юраги бетламайди. Кўрсатувнинг ташкил этилиши меннинг бу ҳаёлий қизиқшимнинг амалга ошишига шароит яратди. Экспедициямизнинг дастлабки

ишларидан бири — Темур горининг охиригача бориш бўлди.

Баъзилар гор деганда, тоғ бағрида қисқагина йўл бўлади, деб ўйлайди. Йўқ, бизнинг юртимизда узунлиги 10-15 хатто 50 километргача чўзилган горлар бор. Яна шунини унутмаслик керакки, бу йўллар қутилмаганда 4-5 метрлаб пастга тушиб кетиши ёки 15-20 метрлаб юқорига кўтарилиши мумкин. Бир жойга борганда, гор



тугади, деб ўйлайсиз, аммо тепа, паст, ёнбошни синчиклаб қарасангиз, бирон бурчакда одам сигадиган кенгликда тешик бўлади, у орқали яна йўл давом этади, бу ҳол бир неча марта такрорланиши мумкин. Бу тешиқдан ўтиб, беш-ўн метр ўрмалаб юрсангиз, яна катта йўлга чиқиб қоласиз. Қайтишда адашмаслик учун ўтган йўлимизни бўр билан беллаб борганмиз.

— Форга кирган одам ташқи ҳаётдан буткул узилади. Бундай пайтда нималарга эътибор қаратиш мумкин?

— Энг ваҳимали томонини унинг ичидаги жониворлар эмас, чунки жуда совуқ бўлганлиги боис кўпчилик горларда ҳайвонлар яшамайди. Бу ерда одам ўз қўрқувини енга билиши, шу билан бирга, эҳтиёткор, сезгир бўлиши керак. Бунинг сабаби шуки, бу сирли йўлларда ҳамиша кулаши мумкин бўлган тошлар сероб. Гор ортиқча овоз ва хатти-ҳаракатни ҳам ёқтирмайди. Жим юришингиз керак, бизлар сафар пайтида бир-биримизни овоз чиқариб чақиршидан ҳам эҳтиёт бўлганмиз. Амир Темур горидан борарканмиз, биз ўтишимиз биланқол орқамизда жуда катта тош кулаб тушган.

— Бундай сафарлар худди қорон-

ғу ўрмонга кириб қолганга ўхшаса керак-а?

— Баъзан кўзланган манзилга охиригача етиб боролмаслик ёки адашиб қолиш ҳоллари ҳам бўлади. Қор, бўронларда юрганмиз. Бир гал Қашқадарёнинг Қалқама тоғидаги горга кириб кетдик, қайтиб чиқсак, атроф қуюқ туман билан қопланган, беш қадам наридаги нарсани кўринмайди. Йўл бошловчининг таклифи билан тавақкалига юра бошладик. Атрофдан бўриларнинг увиллагани эшитилади. Аҳоли яшайдиган жойга келгунча, 15 ўрнига 25 километр йўл босганмиз. Бошқа довога қараб кетган эканмиз. Уст-бошимиз, оёқ кийимларимиз жиққа хўл бўлган, оёқ тағида қалин қор, қор аралаш ёмғир ёғиб турибди. Ярим кечаси қишлоққа бир аҳволда етиб келганмиз. Одамлар биз учун бошдан-оёқ қуруқ кийимлар топиб келишган. Ўт ёқиб, кўрпаларга ўраб ташлашган.

— Ёзда ишларингиз бирмунча осонроқ кечаркан-да?

— Эҳ-хе, ёз машаққатлари ҳам бундан қолишмайди. Масалан, бир гал Боботог томонига жўнадик. У ёқларда булоқ йўқ, қуруқ тоғлардан иборат. Тинмай тепага кўтарилиб борарканмиз, бир кило юк ҳам оғирлик қилади. Ҳолбуки, бизнинг ҳар биригиз 20-25 килограммдан юк ортиб олганмиз. Бундай вазиятда қопни баттар оғирлаштириб, кўп сув ғамлаб олишнинг иложи йўқ. Ярим йўлга етмасдан олган икки-уч литр сувимиз туғаб қолди. Чанқокдан тилимиз танглайга ёпиша бошлади. Олдинга юришга ҳам, орқага қайтишга ҳам ҳайронсан. Шундай пайтда табиатнинг ўзи меҳрибончилик қилди. Қарангки, бир дарахтнинг наъматакка ўхшаган меваси бор экан, шу билан томоғимизни хўллаб, манзилга етиб борганмиз. У ерда булоққа дуч келдик. Сув қанчалар ноёб, мўъжизакор куч эканлигини, булоқ сувининг нақадар ширин ва оромбахш, қувватбахш эканлигини ўшанда ҳис этганмиз.

— Қутилмаган янгиликлар ҳам бўлиб турадими?

— Баъзан ноёб дарахтларга дуч келамиз. Яқинда Навоий вилоятининг Қизилқум саҳросидан Тош ўрмонни топдик. Тўғриси, бу ўрмон тўғрисида камдан-кам одам билади. Мен бу ҳақда беш йил олдин эшитганим, у ерга бориш

## ИФТИХОР

ниятим бор эди. Ниҳоят, геологлар ҳам-роҳлигида саҳронинг ичига хизмат сафари уюштирдик. Қиш фасли эди. Тош ўрмон деб аталишининг сабаби шуки, қадимда ер юзини сув босган, қуриган ва яна сув босган... Уша пайтларда Қизилқум худуди ўрмонлардан иборат бўлган. Сув тағида қолган дарахтлар минераллар, тузларни ўзига синдириб, чирмаган. Сув қуригандан кейин дарахтлар тошга айланган, худди ҳайкалларга ўхшаб қолган. Бу энди 95 миллион йил аввалги ўрмоннинг қолдиқлари. Олимлар шундай ҳулоса чиқаришди. Худди ўша ерда мамонт суякларини ҳам топдик ва қайтишда музейга топширдик.

— Демак, ижодий гуруҳ аъзолари бу ишни севиш билан бирга, жисмонан тобланган бўлишлари ҳам керак экан-да?

— Экспедициянинг доимий аъзолари режиссёр Комил Эрдонаев, чироқчимиз Тойир Эргашев, тасвирчи Рустам Холикназаров, тасвирчилар Музаффар Раҳматов, Саъдулла Ўринбоев билан ҳам ишлаганмиз. Шундай пайтлар бўлганки, куннинг совуқлигиндан Рустамнинг бармоқлари қотдиб, камерани ушломлай қолган. Қалқама тоғларида бир горга қираётганимизда, ўннич километрда операторнинг оёғи қаттиқ оғриб қолди. Биз уни яна ўн беш километр сургаб юриб кўзланган манзилга етиб олганмиз.

Шунчалар қийинчиликлар бўлишига қарамай, бу ишининг ўз сеҳри бор. Тўғри, бир марта шундай сафарга бориб келгандан кейин, иккинчи қайта бу ишга бош қўйишни хоҳламайдиганлар ҳам топилади. Яширишнинг ҳождати йўқ, баъзан сафаримиз жуда қийинчиликлар билан кечганда, шу ишни давом эттирсамми, йўқми, деган ўй кечди кўнглидан. Лекин бу ўткнчи ҳаёл, юрт меҳри, сеҳри бағрига тортаверади. Биров талаб қилмаган, ўргатмаган Ватанга фарзандлик ва касб масъулияти ҳисси қалбингдан тошиб чиқаверади.

Ҳали биз боролмаган, боришни режалаштираётган жойларимиз жуда кўп. Айни кунларда ўн бешга яқин манзилга экспедиция уюштиришни кўзлаб турибмиз. Шулардан бири — Уст-Юрт — Борса келмас чўли. Унинг қоқ ўртасидан кесиб, кезиб чиқишни ният қилганмиз. Бир оддий ҳақиқатни айтмайми, кўпчилик "Мен Фарғонада бўлганман, Қаршини кўрганман, Хоразмни биламан..." дейди. Бу — юртни биламан, дегани эмас. Чунки улар асосан марказий шаҳарлар билан таниш. Юртни севиш, у билан фахрланиш учун унинг тоғу тошларини, қиру адирларини, чўлу саҳроларини ҳам кўриш, билиш керак.

Муҳтарома УЛУҒОВА суҳбатлашди.

## ҚАДРИЯТЛАР КЎРИГИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, республика Бадий Академияси ҳамда «Хунарманда» уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан...» аънаввий кўриктанловининг ҳал қилувчи босқичи ҳамда «Ўзбекистон дўппилари» кўرғазма-савдоси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Навоий, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан тақлиф этилган голиблар ўзаро беллашдилар.

Биламизки, дўппилар тарихи миллатимиз тарихи ва ёши билан баробар бўлса ажаб эмас. Олайлик, Андижон дўппиларининг «Сетора» ва «Инжиқ» деб номланган нусхаларининг чоклари ўта майда ва нафислиги, Бухоронинг «Зардўзи-гулдўзи», «Зардўзи-заминдўзи» нақшларининг гоят нафис техник услублари тобора сайқалланиб бораётгани кўпчилиكنи лол этмоқда.

Қорақалпоқларнинг «Тоқима тақя» ёки «Мақпал тақя», «Кўчқоршохи» деб аталувчи кашта нақшларидан тиклган дўппилари эса шу халқнинг ўзига ҳос аънаваларини ўзида мужассам этганлиги сезилиб турибди. Ёхуд Самарқанднинг Ургут, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг «Ироқи», «Ги-

ламдўзи» нусхаларини, Наманганнинг машхур «Чуст» и ёки Қўқонусха, Тошкентусха дейсизми, барчасида миллийлик ўз аксини топган.

Низом шартларига кўра ташкил этилган кўрғазма-савдода ёш ўқувчи қизлар томонидан махсус танлов учун тайёрланган ўзбек дўппиларига сингдирилган рамзий маънолар шарҳи, миллий либослар, каштадўзлик анжомлари катнашчилар ва меҳмонлар қалбига катта таассурот қолдирди.

Ниҳоят, кўрик-танлов голиблари аниқланди: олий ўрин Фарғона вилоятига, биринчи ўрин Сурхондарё ва Андижон вилоятларига, иккинчи ўрин эса Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Қашқадарё вилоятларидан келган иштирокчиларга берилди.

Шунингдек, ушбу тадбир доирасида «Оналар куйлаганда» кўрик-танловголиблари ҳам аниқланди. Тошкент шаҳри иштирокчиларига олий ўрин, навоийликларга биринчи ўрин, сурхондарёликларга эса иккинчи ўрин насиб этди. Голиб ва совриндорларга махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА, «Оила ва жамият» мухбири.

## АЖИБ ОЛАМ • АЖИБ ОЛАМ • АЖИБ ОЛАМ

### МАРС КЎПРИГИ

НАСА (NASA) ходимлари томонидан Марс сайёрасининг сунъий йўлдоши орқали суратга олган тасвирларни ўрнаётган олимлар ажойиб бир манзарага дуч келишиб, ҳайратда қотдилар. Сайёранинг шимолий ярим шарига тегишли бу манзара тоғларни туташтирувчи табиий кўприк экан. Айрим астрофизиклар бу кашфиёт бошқа бир муҳим далилни ҳам тасдиқлайди деган фикрдалар. Яъни, Марснинг узоқ ўтмишида шу тоғ оралигида катта сув ҳавзаси мавжуд бўлган ва бу чуқурлик қачонлардир сувнинг суёқ ҳолатини сақлаган. Бу вақтга қадар Марсда муз қатламлари, дарё излари аниқланган, аммо сувнинг суёқ ҳолати ҳақида аниқ маълумот олинмаган эди.

Кўприкнинг табиий ёки кимнингдир меҳнати тўғайли вужудга келганлиги ҳақида ҳам турли фаразлар илгари сурилмоқда. Ҳозирча улар асоссиз. Аммо бу кўприк Ерликлар томонидан аниқланган Марсдаги ягона табиий иншоотдир. Дарвоқе, худди шунга ўхшаган табиий кўприк бизнинг сайёрамизда ҳам мавжуд. Бу кўприк Йорданиянинг Вади Рум водийсида жойлашган.

### ЭНГ КАТТА РЕКЛАМА

Дунёдаги энг катта реклама полотноси халқнинг юксак маданиятидан баҳраманд бўлишга чорлов мақсадида яратилган. Шунинг учун ҳам Рим шаҳридаги реклама агентликларидан бирида ишлаб чиқарилган бу реклама халқ



майдонини эгаллаган мазкур реклама полотносининг бўйи 2 метр, узунлиги эса 274 метрни ташкил қилганди. Ундаги тасвирлар римликлар ва "Мангу шаҳар" меҳмонларини Жакомо Луччинининг "Тоска" операсини тинглаб кўришга чорлайди. Дунёга машхур ушбу опера эса Римдаги Олимпия стадионидан намойиш этилади.

Наргиза СИДДИКОВА тайёрлади.

Биз истаймизми, йўқми, оддий ҳаёт ҳақиқати шу: дунёнинг турли бурчакларида бир кунда неча минг-минглаб янги оилалар курилади, йигитлар кубелик, қизлар эса келинлик либосларини кийиб, никоҳдан ўтишади, тўй-тантаналар давом этаверади! Лекин минг афсуски, ана шундай қувончли, ҳаяжонли воқеалар билан баб-баравар тарзда кутилган ва кутилмаган вазиятларда оилавий можаролар, ажралишлар ҳам содир бўлаверади. Тўғри, бу билан ҳаёт тўхтаб қолмайди, аммо...

Шу боис бугун «ажрашган» деб ном олган аёлнинг ички ва ташқи руҳий ҳолатлари хусусидаги айрим кузатувларимизни сиз билан ўртоқлашмоқчимиз. Тўғри, улар орасида айримлари нимагадир иккинчи бор турмушга чиқибдан чўчишади ёки «Менинг болам бор-ку, умримни энди унга бағишлайман», деб ўйлашади. Аммо ақл билан ўйлаб кўрадиган бўлсак, ўша, сиз гулдек ҳаётингизни бахшида қилмоқча тайёр турган фарзандингизга бу жонфидоликнинг қизиги, ошқора айтганда, қадр-қиммати бормикин?!

Қолаверса, аёл қалбингиз билан тушуниб турибсизки, сизга уйланмоқчи бўлган ҳар бир «номзод» ҳақида энг аввало «Бу одам менинг болам учун эртага ота ўрнини босармикин?» деган ҳадик ва ҳавотирга тўла саволга жавоб излайверасиз. Боиси, ёр бўлиш осон, аммо ота бўлмоқ эса... Шунинг учун шахсий ҳаётингизнинг пароканда бўлмаслиги, қолаверса, фарзандингизни бир умр отасиз ўсишини истамаганингиз учун қайта турмуш қуришга аҳд этган экансиз, яхши, нурийдангизни ўз вақтида аламли изтироблардан асрай олинг.

Чунки биламизки, ўз уйида ўғай отанинг пайдо бўлишини ақсарият болалар хурсандчилик билан кутиб олмайдди. Гарчи ўшангача ҳам боланинг кўз ўнгида онасининг «боши очқлиги» масаласи катталар томонидан бир неча марта айтилган, боланинг ўзи ҳам бирорта укача ё сингилча келишини истаб юрган, ва ҳаттоки оталарининг ёнида гердайиб юрган тенгқурларининг ортидан ҳавас билан хўрсиниб қолишларига қарамай, барибир отасиз улғаяётган бола ўз онасини ҳаммадан қизғонади. Бунга сабаб — бола шу пайтгача уйда яққаю ёлғиз эйтибор манбаи бўлганидадир. Гарчи қизалоқлар телевизорда кўринган чиройли хонанда ёки артистни беихтиёр онаси билан ёнма-ён тасаввур қилиб, агар унинг шундай отаси бўлса бутун маҳалланинг ҳаваси келишини тасаввур этса-да, онаси тасодифан бирор синфдошини учратиб, шунчаки салом-алик қилиб қўйса борми, дарров иккала каттанинг ўртасида хўмрайиб туриб олиб, уларнинг бирорта хатти-ҳаракатидан кўз узмай, синчковлик билан кузатади. Шу боис, бу кичкинтойларга хос оддий қизиқишгина бўлса-да, боланинг шубҳали

нигоҳлари остида бирор эркак танишингиз билан гаплашиб қолдингизми, у билан хайрлашгач, дарҳол ўғил ё қизингизга нималар ҳақида гаплашганингизни яна бир марта қайтаришдан ва бу орада ўша танишингиз тўғрисида қисқача маълумот бериш баҳонасида албатта ҳалиги одамнинг оиласи, хотини, болалари борлигига шаъма қилиб ўтишни унутманг. Яна бир жиҳати, боланинг ҳар қандай синчков саволига хотиржам жавоб беринг ва баъзида айрим «айёрлик»лардан унумли фойдаланинг.

• Боланинг билиб-билмай қиладиган «совчилик» хатти-ҳаракатларини унга ўз отасини яхши томондан эслатиб туриш орқали сўндирса бўлади. Шунда у дуч келган одамни отаси ўрнида кўришдан тўхтайдди. Қолаверса, ҳар қанча ёмон бўлмасин, шундай гулдай фарзандининг қора кўзларига қарамай ташлаб кетган

Ахир бу одам бу ерда бемалол бир пайтлар боланинг отаси ўтирган диванда ястаниб телевизор кўриши, фақат фарзандингиз билан ишлатиб юрган совунигизда қўл ювиши, энг ёмони, бундай пайтда сизнинг бор диққат-этиборингиз фақат бу галати, ўзини мезбондек тутаётган меҳмонга қаратилиши мумкин.

Кичкинтой эса уйда бегона амакиннинг пайдо бўлишига жуда сезгир муносабатда бўлади. Масалан, одатда доим куйиб-пишиб уй ишларидан ортмай ётадиган ойиси нимагадир шу одам келганидан буюн бўяниб-ясашиб оладиган, бир гапириб, ўн куладиган бўлиб қолганидан тортиб, худди ёш қизалоқларга ўхшаб, ўша одамнинг ҳар қандай гапини киприкларини пирпиратиб тинглашлари болага жуда эриш туюлади. Оқибатда бу сунъий хатти-ҳаракатларингиз болани аввалги ҳаёт тарзингизни қайта

✓ БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

бошласа, сиз нимагадир албатта ўшани тингларкансиз. Илгари бола истаган пайтда, масалан, елкасини қашлатиб, тизангизда эркаланиб ўтирарди. Ҳозир эса ўша кишидан ортмайсиз, бола олдингизга суйкалиб келса, нари тур, вақтим йўқ, дейсиз. Шу адолатданми? Яхшиси, фарзандингизни янги отасига уйингизда илгаридан мавжуд бўлган қондаларга ўзгариш киритмаган ҳолда ўргатиб боришингиз керак. Шу пайтгача боланингиз билан яшаб келган ўз оламларингизни бегона олам билан аралаштириб юборманг. Аксинча, ташқаридан келган бу одам сизнинг дунёингизга кириб боришга ва унга мослашишга ўзи ҳаракат қилсин.

Афсуски онасининг қошидаги амакига ҳаддан зиёд боғланиб қолиш ҳам ҳавас қилгулик ҳолат эмас. Айрим фаросатли эркақлар аёл қалбига йўлни унинг фарзанди орқали топиш энг ўнғай эканлигини жуда яхши билишади. Шу боис, бола билан илк танишув пайтиданок уни турли ўйинчоқлару ширинликларга кўмиб ташлашади. Ва эртақдаги сеҳрардек унинг даярли ҳар бир тилагини ижобат қилаверади. Сизнинг вазифангиз эркақнинг бу фидойилигини кўнглига теғмайдиган қилиб сусайтиришдир. Чунки элдан бурун болада тўлақонли оила бўлиб яшаш фақат байрамлардангина иборат эканлиги ҳақида нотўғри тасаввур ўйғониши мумкин. Бундан ташқари, у бўлғуси отасини совға-саломлари учун эмас, ўзини инсон сифатида яхши кўриши, унга меҳр қўйиши кераклигини унутманг. Яна шуни унутмангки, Сиз турмуш қурмоқчи бўлаётган одам сизга уйланмасидан бурун нафақат болага овозини кўтариб гапириш, унга танбех бериш ёки нималарнидир талаб этиш, балки уни қитиклаш, кўтариб олиш ёки жанговар спорт турларига ўргатишга шошилмасин. Буларнинг барчаси турмуш қурганларингиздан кейин топилмай қолиши мумкин. Шу боис, болани бундай янги ўзгаришлар ларзага солади. Биласизми, ҳатто баъзида учовингиз бир бўлиб, шунчаки богда сайр этсангиз ҳам бу ҳолат болани шу қадар тўлқинлантириб юборадими, эртаси кунийёқ у «Ботир амаки»сини «Ботир дадам» деб атай бошлаши ҳам ҳеч гап эмас. Аммо, ҳамма ботирларга ҳам ўз мақомининг бу қадар тез ўзгариб кетиши ёқавермайди.

Энг асосийси, фарзанди ва ўз келажиги учун бефарқ бўлмаган аёл ҳеч қачон оддий никоҳ ўқитиш билангина бировнинг хотини бўлиб кетавермаслиги керак. Шунинг учун ўз фарзандингизга бегона бир кишини «дада» деб аташи кераклигини айтишдан олдин, юқоридagi каби ҳолатлар ҳақида ҳам обдон ўйлаб кўринг.

Дилфуза ҚҶЗИЕВА

# МЕНГА ДАДА КЕРАК(МАС)!!?

бўлса ҳам, болани отаси билан тез-тез учраштириб турган яхши. Шу билан сиз боланинг юрагига хувиллаб қолган ҳассийётлар вакуумидаги

жонлантириш учун ақл бовар қилмас найранглар ўйлаб топишга ундайди. Ҳеч хайрон бўлманг, сиз «янги» эрингиз болан эндигина ширин сўхбат қура бошлаган пайтингизда нариги хонадаги кизингиз жарағлатиб чойнак-пиёлани синдириб қўйиши, ўзингиз эса айнан эрингиз ухлаётган пайтда уйнинг ичида коп-тогини атайдан дўп-дўп этказиб югуравериши турган гап. Бу билан улар гўёки «Намунча жойлашиб олмаса бу киши, яхши одамларнинг кетадиган вақти бўлди-ку», демоқчи бўлишади гўё.

Ажабо, бола нега энди орзулари ушалиб, оталик бўлганда бундай йўл тутта бошлайди? Биринчидан, сиз ўзингизга фарзандингизнинг бирор таниши эмас, ишхонангиздаги қандайдир бадқавоқ ва бутунлай бегона амакини унга оталикка раво кўрдиган. Иккинчидан, боланинг «янги дада» тўғрисидаги тасаввурлари жуда қисқа мuddат ичида реалликнинг башафат тошларига тегиб, чил-чил синиб кетди. Буни қарангки, агар болакай ва унинг янги отаси бирваракайига гапир



бўшлиқни вақтинча бўлса-да, тўлдириб турасиз. Чунки сизнинг ажрашишдан энг катта дарз унинг қалбига етган. Агар кизингиз ё ўғлингиз отасини умуман кўрмаган ёки унинг отасини кўрсатиш мумкин бўлмаган ҳолатларда боланинг бобоси, амаки ё тогалари ёнида тез-тез бўлиб туришини тазминланг.

• Энг муҳими, сиз билан турмуш қуришни мўлжаллаётган эркакни уйингизга тақлиф этишга шошилманг.

«Ҳамида ая билан касалхонада танишгандик. Жуда очик кўнгли, одамохун аёл экан. Биз тезда тил топишиб кетдик. Бир кунни ая билан дардлашиб, унга бефарзандлигим туфайли оилам бузилганини сўзлаб бердим. У ҳам дардини ёриб қолди: «43 ёшли ўғлим бор. Уч йил бўлди келиним қазо қилганга. Тўрт нафар ўғли билан бева қолган. Ўғил болаларни тарбиялаш қийин экан. Рози бўлсангиз, сизни келин қилиб олардим» деди. Ҳамида аянинг тақлифи менга макул келди ва уйимдагилар билан бамаслаҳат шу оилага тақдиримни боғладим. Болалар ҳам мени самимий қабул қилишди. Тўғри, бошида бироз қийналдим, лекин сабр билан чидадим. Мана шунга ҳам 14 йил бўлди. Йигитларнинг учовини ўйлантириб, уйли-жойли қилдим. Бир этак набираларим бор, бахтлиман. Аммо шу, нима десам экан, кенжаотимнинг кўнглидаги қизни тополмай қийналяпмиз. Унинг ёши 31 да. Ус-

Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг! Бахтли бўлинг!

тачилик билан шугулланади. Бўйи-баста келишган, меҳнаткаш йигит. 28 ёшгача бўлган, ораста, очик кўнгли қиз овоз берса, ниятларим ижобат бўлармиди.

ЖАМИЛА ая, Навоий вилояти».

«Икром оилада ёлғиз ўғил эди. Отасидан икки яшарлигидега етим қолган. Онаси бутун умрини унга бағишлаб, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказди, институтда ўқитди. У 35 ёшида қизим Зебога уйланган эди. Ёшлар аҳил ва тотув, гўёки узукка кўз қўйгандай эди. Улар икки йил деганда ҳам фарзандли бўлишмади. Кудамизнинг қизимизни кўрсатмаган дўхтиру табиби қолмади. Лекин бирон марта ўғлимда ҳам айб бўлиши мумкин-ку, деб

уйлаб кўрмади. Шу гапни у кишига бир марта айтгандим, баалога қолдим. Шундан сўнг қизимнинг бошига не кунларни солмади. Зебони олий маълумотли бўлса-да, яхшигина тайинли ишидан бўшатиб, уйга ўтказиб қўйди. Икром ҳам онасининг сўзини икки қилолмади.

Тўрт йил деганда, улар қонуний ажрашишди. Мана, шунга ҳам 13 йил бўлди. Икром қайта уйланди, афсуски, барибир фарзандли бўлолмади. Юрак олдириб қўйган қизим эса қайта турмуш қуришни истамади. Бизлар кексайиб қолдик. Унинг ёши 41 да. Нуфузли ташкилотда хизмат қилади. 50 ёшгача бўлган, қизимни қадрлайдиган инсон топилса, узатмоқчимиз.

МАМЛАКАТ опа, Ташкент шаҳри».

«Ҳасан-Ҳусанларимни бир кунда уйлантирган эдик. Ҳасан-бойимдан кўнглим тўқ. Чунки у ўзига ёққан қиз билан бахтли ҳаёт кечиряпти. Аммо Ҳусаннинг хотини нопоп қикиб қолди. Оиламиз шаънига тўғри келмайдиган ишларга қўл уриб, яъни собиқ севгилисидан билан гаплашиб юрганини эшитиб,

уйтада қолдик. Буни унинг ўзи ҳам тан олди. Ҳатто менинг ўзимга очикдан-очик «Ўғлингизга отамнинг қистови билан текканман, уни яхши кўрмайман» деса бўладими? Охири, жавобини бердик. «Оила ва жамият» орқали ўзимизга маъқул келган бир қизни топиб, уни келин қилидик. Яқинда фарзанди бўлишди. Келинимиз кўз теғмасин, ақлли, одобли, хурматимизни ҳам жойига қўяпти. Бизга шундай келинни тавсия этганликларингиз учун сизга ташаккурлар айтман.

НАРИМОН ота, Андижон вилояти».

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бево-сита муурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

# ФОЙДАСИ ЭМАС, ЗАРАРИ КЎП

дори-дармонлардан сақланинг!

Иссиқ жоннинг иситмаси бор. Соғлиғимизни асраб-авайлашга ҳар қанча ҳаракат қилмайлик, барибир дард деганларидан ҳар доим ҳам қочиб қутула олишнинг имкони йўқ. Ана шундай пайтда шифокор томонидан ёзилган кўрсатма-рецептнинг кўтариб, дорихонага югураемиз. Ва... ўзимиз излаган дори-нинг топдик ҳам дейлик, аммо уни тезроқ ичиш учун уйга шошишни биламиз, минг афсуски, кутича устидаги яроқлилиқ муддатига ёки бу дорининг сифат сертификати бор-йўқлигига эътибор қилишни негадир унутамиз. Бизнинг бундай лоқайд ва эътиборсизлигимиз бир кун келиб ўзимиз учун ниҳоятда қимматга тушишни билмаймиз. Табиийки, шундай пайтда орамизда бизнинг ишончимизни суиистеъмом қилиб, ундан ўзининг шахсий манфаати йўлида фойдаланадиган сохта "тадбиркор"лар ҳам учраётгани ачинарлидир.

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳар қор стандарт талабларига тўла-тўқис жавоб берадиган, энг муҳими, сифатли дори-дармонлар билан аҳоли эҳтиёжини таъминлаш йўлида ҳолис хизмат кўрсатаётган юзлаб дорихоналарнинг фаолияти юритаётгани хайрли ишдир, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги**

Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бош инспектори **Бахтиёр Ҳошимов**. — Албатта тегишли идоралар ҳамкорлигида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар ҳуқуқларини қўпол равишда бузаётган, устига устак фуқароларимизнинг сўхат-саломатлигига ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтириб, нокунуний ҳолатда дори-дармон маҳсулотларини четдан олиб кираётганларга қарши кескин кураш олиб борилапти.

Шу ўринда Республика Бош прокуратураси хузуридаги **СВОЖЖДҚК** департаментининг таъинланган тадбирларда фаолияти фойдаланилган айрим устамонлар ҳақида тўхталиб ўтмоқ жоиз. Кўкун шаҳрида яшовчи фуқаро Тошпўлатова Махсуда ана шундай сифатсиз ва хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган дори-дармон воситаларини сотиш билан мунтазам равишда шуғулланиб келган. «Тадбиркор»нинг уйдан сотиш учун тайёр-



## ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

лаб кўйилган, чет давлатларда ишлаб чиқарилган, махсус сифат сертификати 5 турдаги 15738 қути (жами 84 млн. 301 минг сўмлик) дори-дармон воситалари топилди ва ашёвий далил сифатида олиб кўйилди. Худди шунингдек, Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида истиқомат қилувчи Шерматов Гавҳар ҳам шу ҳудуддаги деҳқон бозорида ноқонуний равишда дорихона очганини аниқланиб, ундан 11,1 млн. сўмлик дори-дармон маҳсулотлари олинди. Кўкун шаҳрида яшовчи фуқаро Шарипова Сабоҳон ва Ҳайдаров Раъшанлар ҳам ўз нафси йўлида ҳеч нарсадан қайтишмаган. Улардан ҳам хорижда ишлаб чиқарилган, аммо сифат сертификати эга бўлмаган ва махсус талабларга жавоб бермайдиган 16 турдаги 15182 дона (жами 29 млн. 914 минг сўмлик) дори-дармон воситалари ашёвий далил сифатида олинди. Асакалиқ Арапов Носиржон ҳам олғир дори-фуқаролардан экан. «Каштан» номи фирмага раҳбар бўлиб олиб, ҳужжатлари бўлмаган 10 млн. 173 минг сўмлик дори-дармон воситалари савдоси билан шуғулланаётганида унинг ноқонуний фаолиятига ҳам чек қўйилди.

Яна бир қизиқ мисолга эътибор берайлик: Кўкунлик М. Жўраев ва Ф. Султоновлар ўзаро тил бириктириб, қўшни Тохикистон республикасининг Ашт туманида яшовчи номаълум шахслардан ҳеч қандай ҳужжатсиз бўлган дори-дармон сотиб олиб, икки давлат чегарасидан оқиб ўтувчи Сирдарё орқали резина қайиқда юртимизга олиб киришган. Улар ҳам ўз қилмишларига яраша тегишли жазо олишди...

**«Оила ва жамият» муҳбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА ёзиб олди.**

## МАДАНИЯТ

### «БОЛАЛИГИМ — ШОДЛИГИМ»

Нукус шаҳридаги Сапар Хўжаниязов номидаги «Еш томошабинлар театри» жамоаси болалар учун театрлаштирилган дастурларини намойиш этмоқда. Ижодий жамоа томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида қатор тадбирлар ўтказиб келиняпти. Мирзамурод Айбаров саҳналаштирган «Болалигим-шодлигим» театрлаштирилган томошалар Нукус горнизони офицерлар уйида ўтказилиб, тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

— Ушбу дастурни нафақат аскарлар, балки офицерлар ва уларнинг оила аъзолари, жажжи болажонлари ҳам мириқиб томоша қилиб, дам олиш кунини мазмунли ўтказишди, — дейди Нукус горнизони офицерлар уйи бошлиғи, капитан Элёр Абдуллаев. — Бу каби маданий тадбирлар аскарларнинг сиёсий билимини оширишга, уларнинг Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга хизмат қилади.

Дастурдан ўрин олган Гулоийа Сетимованинг «Болалигим-шодлигим», Гулчехра Жапарованинг «Ўстирганим гул маним», Абдурашид Гулембетовнинг «Той-той», «Сени дедим» ашуаларида бахтли болалиқ, она-Ватан, дўстлик мавзулари тараннум этилди.


Театр ижодий жамоаси яқин кунларда «Бир қизга тўрт ошиқ» спектаклини саҳналаштириб, уни томошабинлар ҳуқмига ҳавола қилади.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**  
«Оила ва жамият» муҳбири.  
Қорақалпоғистон Республикаси.

## ФОЙДАЛИ ТАОМНОМА

### 120 ЙИЛ ЯШАШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Мутахассислар таомни истеъмом қилишдан олдин унинг фойдалилигига эътибор бериш жуда муҳим, дея таъкидлайди. Таниқли олим Генри Маллекнинг «Умри узайтирувчи пархез» китобида келтирилишича, фойдали озуқаларни мунтазам равишда истеъмом қилиб, умри бемалол 120 йилгача узайтириш мумкин экан. Демак, бозор-ўчар қилаётганингизда қуйидаги маҳсулотлардан олишни унутманг. Чунки улар барча оила аъзоларингизга бирдек қониқ фойда:



да сақлаб туради.

- **Олма**, янчилмаган дон маҳсулотлари, эзилиб кетмаган мевалар клетчатка ва витаминларга бой бўлиб, юракни турли хасталиклардан ишончли ҳимоялайди.
  - **Жўжа** ва ёғсиз мол гўшти ҳам юрак учун фойдали аминокислота-ларга бой.
  - **Кўк олма** ва чой эса тез қаришнинг олдини олади.
- Эслатма:** фойдали озуқалар асосан яхши кайфиятда истеъмом қилинганда куч-қувват ато этишини унутманг.

• **Сули ёрмаси** — юрак касалига даво бўлиб, холестерин даражасини тушириб, ични ҳам юрштиради.

• **Балиқ** — юрак учун энг шифобахш озуқа. У инфаркт касалини орттиришга йўл қўймас экан.

• **Қора, сариқ ва зарғалдоқ** рангли мевалар ҳамда помидор, бетакотинга бой бўлиб, хавфли шишлар ва ўсимталардан сақлайди.

• **Банан**, помидор ва цитрус мевалари қон босимини меъёр-

## СПОРТ ▼ СПОРТ ▼ СПОРТ

### ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

Ўтган ҳафта спортчиларимиз учун воқеаларга бой бўлди.

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида 12–27 ноябрь кунлари бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муваффақиятли иштирок этиб, 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди. Бу 2006 йили Қатарда бўлиб ўтган мусобақа билан солиштирганда анча салмоқли кўрсаткичдир.

Яна бир қувончли воқеа машҳур ҳакимимиз Равшан Эрматов билан боғлиқдир. У қаторасига учинчи марта «Осиёнинг энг яхши ҳаками» номинациясида голибликни қўлга киритди.

### ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Қарши шаҳрида қўл жанги бўйича ўтказилган халқаро мусобақа якунланди.

Кашқадарё вилоят марказидаги «Геолог» спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳамда Қарши олимпия заҳиралари спорт коллежиде ўтказилган мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари билан бирга Россия, АҚШ, Қозғистон, Украина, Австралия, Испания, Швеция, Таиланд, Афғонистон каби ўндан зиёд давлатнинг вакиллари ўзаро баҳс олиб боришди.

Мусобақа уч йўналишда — профессионаллар, ўсмирлар ва қизлар ўртасида бўлиб ўтди. Профессионаллар ўн, ўсмирлар тўққиз ва қизлар олти вазн тоифасида голиблик учун куч синашди.

Ҳамюртимиз Илҳом Саидов 56 кг вазнда 1-ўринни эгаллади. Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчиларимиздан Элбек Раҳимов, Бобир Раҳматов ва Амин Эргашев шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

### ЭЛЬ КЛАССИКО!

Душанба оқшомида бўлиб ўтган Испания чемпионати туридан ўрин олган «Барселона» ва «Реал» жамоалари ўртасидаги учрашув бутун дунё футбол мухлисларининг эътиборида бўлди, десак мулоҳаза бўлмайди. Ўз номи билан «Эль классико» (намуна-



ли ўйин) дея номланадиган бу учрашув олдингиларидан ҳеч бир жабҳада қолишмади. Чунки Испания чемпионатида аслида очқоси тенг, фақат тўплар нисбати бўйича 1 ва 2-ўринларда бораётган, бу икки машҳур клуб қачонлардир орани очқ қилиши кенар эди. Бу сафар «Барселона» азалий рақиб «Реал»ни шармандали (5:0) ҳисобда мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, каталонияликлар турнир жадвалида пешқадамликни ўз қўлларига олдилар.

Интернет манбалари асосида  
**Илҳом ЖУМАНОВ** тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оналарнинг қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти — 15:00  
Босишга топширилди — 16:00

E-mail: [oilavajamiyat@sarkor.uz](mailto:oilavajamiyat@sarkor.uz)

Бош муҳаррир: **Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20  
Муҳбирлар: 233-04-50  
Котибият: 237-21-82  
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: [oilavajamiyat.uz](http://oilavajamiyat.uz)

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1132. Формати А-3, ҳажми 2 таб. Адади — 7613. Навбатчи муҳаррир — **Фаррух ЖАББОРОВ**  
Саҳифаловчи — **Илҳом ЖУМАНОВ**  
Мусаҳҳихлар — **Саидгана САЙДАЛИМОВ,**  
**Мафтуна МИНГБОЕВА**

ISSN 2010-7609

1 2 3 4 5